Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 5 март, шанба № 54 (21.658). Сотувда эркин нархда.

• ЎЗБЕКИСТОН—РОССИЯ:

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК ЙЎЛИ

Илгари хабар қилинганидек, 2—3 март кунлари Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси расмий ташриф билан Москвада бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин учрашув чоғида.

Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг бу шаҳри азимга тез-тез бориб туриши одатдаги ҳолга айланиб қолган. Нима бўлса-да, Москва собиқ иттифоқнинг собиқ пойтахти! Чунки илгари шу иттифоққа кирган республикаларнинг аксарияти унга минг бир ришта билан боғлангани яхши маълум. Шу боис, давлатимиз бошлиғи ҳам бу ерда ўтказилган турли машварат ва учрашувларда кўп марта қатнашган. Лекин бу галги ташриф шуниси билан диққатга сазоворки, у мустақил давлат Президентининг ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб расмий давлат ташрифи билан Россияга келиши эди.

Внуково аэропортининг Ўзбекистон ва Россия байроқлари билан безатилиши, фахрий қоровулнинг саф тортиши, иккала давлат мадҳияларининг ижро этилиши, айниқса, Катта Кремль саройининг муҳташам Георгий залида Россия Президентининг олий мартабали меҳмон — Ислом Каримов шарафига уюштирган расмий қутиб олиш маросими — буларнинг барчаси мазкур ташрифнинг одатдагидан ўзгача, юксак мақомда эканидан далолат бериб турди.

Музокаралар икки Президентнинг юзма-юз суҳбати билан бошланди. Улар давлатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш йўллари, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик, шунингдек, халқаро миқёсдаги, хусусан, тожикистон чегарасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикрлашдилар.

Сўнгра музокаралар кенг доирада — Ўзбекистон ва Россия давлат делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирилди.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳеч қандай давлат, у қанча буюк ва қудратли бўлмасин, якка-ёлғиз ривожлана олмайди. Зеро, турли мамлакатларнинг иқтисодиёти бир-биридан сув ичиб, озиқланиб туриши ҳаётий заруратдир: биров хомашё, биров бутловчи маҳсулотлар, биров технология етказиб беради. Бундай иқтисодий алоқалар собиқ иттифоқнинг парчаланиши, айниқса, ёш мустақил давлатлар ўз миллий пулини жорий этиши туфайли маълум даражада узилиб қола бошлаган эди.

Ана шу алоқаларни тиклаш, Россия билан Ўзбекистон ўртасида янгича, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш — музокараларнинг асосий мавзуи бўлди.

Музокаралар тугагач, Катта Кремль саройининг Владимир залида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Икки давлат Президентлари И. Каримов ва Б. Ельцин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳақидаги шартномаларни имзоладилар.

Ташриф давомида москваликларнинг, айниқса, оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонга қизиқиши яққол сезилиб турди. Ҳужжатлар имзоланиши биланоқ, москвалик ва хорижий журналистлар Президент Ислом Каримовни ўраб олди. Юртбошимиз уларни қизиқтирган барча саволларга аниқ ва батафсил жавоб қайтарди.

— Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимизнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар тенг ҳуқуқлилик асосига қурилган, — деди Президент И. Каримов мухбирларга. — Сиз-ларда бундан Россия қандай манфаат топади, деган савол туғилиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, Россия эртани ўйлаб иш кўрадиган бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудидаги анъанавий бозорларини йўқотмаслиги керак. Зотан, бозор бўш қолмайди, уни биров тарк этса, дарҳол бошқа давлатлар эгаллаб олади. Бу эса Россия иқтисодиётига жиддий зарар келтириши мумкин.

Тушдан кейин Ўзбекистон делегацияси аъзолари Россия Федерацияси ҳукумати жойлашган Оқ уйга йўл олди. Бу ерда Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси В. Черномирдин билан якка-якка суҳбатлашди. Сўнгра делегация аъзолари иштирокида музокаралар давом эттирилди. Давлат бошлиқлари имзоланган ҳужжатларда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш йўллари белгиланди.

Президент Ислом Каримов ва Россия ҳукумати раиси В. Черномирдин даромад ва мулкка иккиёқлама солиқ солмаслик, қуролли кучларни ҳамкорликда модий ва техник жиҳатдан таъминлаш ва ҳаво йўллари ҳақидаги ҳукуматлараро битимларни имзоладилар. Шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари, божхона хизматлари фаолиятига доир ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Кечқурун Россия Президенти Б. Ельцин олий мартабали меҳмон — Ислом Каримов шарафига зиёфат берди.

Ташрифнинг иккинчи куни эрталаб Ислом Каримов Москвадаги Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида кўплаб ҳамюртларимиз ҳам ҳалок бўлган. Бу қабр ана шу қурбонлар хотираси рамзи ҳамдир. Юртбошимиз уларнинг ҳурматини бажо келтирди.

Шундан сўнг делегация аъзолари Катта Кремль саройига йўл олади. Бу ерда Ўзбекистон Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Президентлар — Ислом Каримов ва Борис Ельцин олиймақом учрашув натижаларидан мамнун эканликларини айтиб, самимий хайрлашдилар.

...Россия пойтахтидаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси москваликларнинг севимли масканига айланиб қолган. Унда дўстлик кечалари, Ўзбекистон ҳаётига доир суҳбат ва брифинглар, матбуот конференциялари, турли маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Бу гал ҳам кўплаб сиёсат, жамоат арбоблари, маданият намояндалари Президент Ислом Каримов билан учрашиш учун бу ерга келдилар. Бир пиёла чой устида суҳбат қизиб кетди. Ислом Каримов меҳмонларга Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, ислоҳотларни амалга оширишдаги ўзига хос йўли, бу борада қўлга киритилган дастлабки ижобий натижалар, мавжуд муаммолар хусусида, юртимиздаги фуқаролараро тотувлик, осойишталик ҳақида гапириб берди.

— Мен бу даврада жуда кўп таниш ва қадрдон чеҳраларни кўриб турганимдан ғоят хурсандман, — деди юртбошимиз меҳмонларга. — Биз бугун мустақил давлатлар фуқароси бўлсак-да, дилларимизни бир-бирига боғлаб турган дўстлик ва қардошлик ришталари узилган эмас. Ташрифдан мақсад ҳам ана шу алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, айниқса бу борада мавжуд тўсиқларни бартараф этишдан иборат эди. Биз мақсадимизга эришдик. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичи бошланмоқда.

Сафар якунланди. Биз ватанга қайтар эканмиз, юртбошимиздан ташриф ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Ўзбекистон бутун дунё аҳли кўз олдида қаддини ростлаяпти, — деди Президент. — Бизни, мустақиллигимизни аввалига унча хуш кўрмаган, тан олгиси келмаган давлатлар билан ҳам бугун тенгма-тенг гаплашяпмиз. Бу — ёш давлат учун жуда катта муваффақият. Мана, Россия билан ҳам икки тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида музокара ўтказдик. Қолаверса, ҳиссадорлик асосида катта-катта қўшма корпорациялар ташкил этиш, биз Қозоғистон ва Қирғизистон билан барпо этган ягона иқтисодий ҳудудга Россия ҳам қўшилиш истагини билдиряпти. Агар бу амалга ошса, ҳамкорлигимиз йўлидаги кўп тўсиқлар ўртадан кўтарилади, мана шу бепоён минтақадаги бозорларимиз бирбирини тўлдиради, янада мўл-кўлчилик бўлади.

Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи чоғида Президент Ислом Каримовга республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари — ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, А. Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосарлари — Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, А. Возненко, В. Чжен ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—Москва—Тошкент.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин ҳужжатларни имзолаш пайтида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон ойи муносабати билан йўллаган табригингиз учун чуқур миннатдорлигимни билдираман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз зоти олийларини ҳам муборакбод этаман, турк халқи номидан ва ўз номимдан Сизга соғлиқ, бахт, қардош ва дўст ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик тилайман.

СУЛАЙМОН ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Рамазон ойи муносабати билан йўллаган табригингиз учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман. Туркия Жумҳурияти ҳукумати номидан ва ўз номимдан Сиз зоти олийларига самимий табрикларимни ва энг яхши тилакларимни йўллайман.

ТАНСУ ЧИЛЛЕР,
Туркия Жумҳурияти Бош вазири.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Муборак Рамазон ойи муносабати билан табриклаб йўллаган дўстона мактубингизни миннатдорлик билан олдим.

Шу муқаддас ойда Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилаб Оллоҳи таолодан илтижо қиламан.

Жаноби олийлари, Сизга зўр ҳурмат билан,

Фарук Аҳмадхон ЛЕҒХАРИ,
Покистон Ислом Республикаси Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Рамазон ойи муносабати билан табриклаб ёзган мактубингизни миннатдорлик билан олдим.

Қулай пайтдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга зўр ҳурмат билан,

Беназир БХУТТО,
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Азиз Президент жаноблари!

«Ньюмонт майнинг» корпорациясидаги дўстларингиз Ўзбекистон халқини ва Лина Черязовани Норвегиядаги олимпиадада фристайл бўйича мусобақаларда ажойиб сакраши учун олган олтин медаль билан табриклайдилар. Бу Россиянинг эмас, балки ёш мустақил давлат вакилининг дастлабки олтин медали эканига эътиборни қаратиш лозим.

Бу ғалабанинг аҳамияти жуда катта: агар бизнесчи одамларда ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрлик туйғуларини тарбиялаш учун анча вақт ва куч талаб қилинса, Черязова хоним каби спортчилар ўз ватани ва ватандошлари манфаати йўлида Ер юзидаги барча кишиларнинг қалбини бир дақиқада ўзига ром қила олади.

Қўшма Штатлардан Ўзбекистон Республикаси халқига яна бир бор самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Самимий ҳурмат билан,

Рональд КАМБРЕ,
вице-президент ва бош ижрочи директор.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ҚАНДАЙ БОРАЁТИР?

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, чорвачиликни такомиллаштириш ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароит яратиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, фермер, шахсий ва ширкат хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолганини таъкидлади.

Хўш, Андижон вилоятида бу борада қандай ишлар амалга оширилаётир? Вилоят фаоллари йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Қ. Обидов ва бошқаларнинг нутқларида бу борада муайян силжишга эришилган бўлсада, қилинадиган ишлар ҳали оз эмаслиги таъкидланди. Айниқса, қишлоқда иқтисодий ислоҳот суст амалга оширилмоқда, бошқарув усуллари бозор иқтисодиётига ўтиш талабларига жавоб бермайди. Жойларда расмиятчилик ҳамон барҳам топмаган. Йигирмага яқин хорижий фирма ва қўшма корхонадан тўрттасигина маҳсулот бермоқда. Чет эл фирмалари ва компанияларининвестицияларини жалб этишга етарли эътибор берилмаётир. Кўпгина ҳолларда деҳқон жамоалари ва фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатишда сансалорликка йўл қўйилаётир.

Йиғилишда халқ хўжалиги барча бўғинлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда талабчанлик зарурлигига эътибор қаратилди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умуразоқов қатнашди.

* * *

Сирдарё ва Бухоро вилоятлари фаоллари йиғилишида ҳам ана шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Гулистонда вилоят ҳокими Ғ. Ҳасановнинг маърузаси тингланди. Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров нутқ сўзлади.

Бухорода вилоят ҳокими Д. Ёдгоров бу борадаги аҳволни рўй-рост таҳлил этиб берди. Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев сўзга чиқди.

ЎзА.

НАМАНГАНДА КИМОШДИ САВДОСИ

4 мартда бутун жаҳоннинг кўзу қулоғи Наманганга қадалди. Негаки у ерда «Сотиб ол ва эгалик қил» шиори остида кўчмас мулкларнинг кимошди савдоси ўтмоқда. Рўзномамизнинг аввалги сонларида хабар қилганимиздек, Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган бу тадбир Наманганда тайёргарлик ишларининг долзарб эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, унинг вилоят бошқармаси, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги «Прайс Уотерхауз» консалтинг фирмаси ва вилоят ҳокимлиги— кимошди савдоси ҳамда шу мавзуга бағишланган республика семинарининг ташкилотчиларидир. Нега бу тадбир айнан Наманганда ўтказилмоқда? Аввало, вилоят раҳбарлари мулкни хусусийлаштиришга астойдил қизиққанликлари, қолаверса, бу масканнинг ер усти ва ер ости бойликлари кўп бўлганлиги билан изоҳланади. Чодак олтин кони, Мингбулоқ нефть ҳавзаси, ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жаҳон бозорида беҳад қадрлидир. Вилоятда давлат уй-жойларининг қарийб 100 фоизи хусусийлаштирилган. 45 та давлат хўжалиги жамоа, ширкат ва бошқа нодавлат шаклларига ўтказилган. Зарар келтираётган 39 та чорва фермалари ўз эгаларига берилган. 921 та фермер хўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатаётир.

Президентимизнинг хусусий мулкчиликни ривожлантириш тўғрисида шу йил 21 январдаги тарихий қарори бу ишларга ривож, бошқача айтганда, иккинчи умр бахш этди. «Тадбиркорбанк»нинг туманлардаги 12 та бўлими фермер ва ишбилармонларга амалий ёрдам кўрсатди.

Вилоятда 33 та чет эл сармоядорларини жалб этган қўшма корхоналар, 20 дан ортиқ ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси мақомига эга бўлган ташкилот мавжуд. Буларнинг ҳаммаси манфаатдор идора мутасаддиларини беҳад қизиқтирди. Бунинг натижасида Наманганда кимошди савдосига яхшигина ҳозирлик кўрилди.

Кунниг иккинчи ярмида тадбирнинг асосий қисми — кўчмас мулкларнинг кимошди савдоси бошланди. Унга қўйилган ўнта объектнинг харидорлари асосан Наманган ва қўшни вилоятларнинг фуқаролари бўлиб чиқди.

Кимошди савдоси — биз учун илк тажриба. Унда айрим камчиликлар бўлиши мумкин. Бу тадбир муваққат эмас. Замон, одамларнинг фикр-онги ўзгармоқда. Мулкларни ўз эгаларига бермоқ лозим. Ана шунда барча иншоотлар ўз қуввати даражасида ишлайди, фуқаролар турмуши эса фаровонлашади!

Р. ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1994 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ

ХАЙРЛИ УЧРАШУВ

ОИЛА. Шу биргина сўз катта маънога эга. Унинг замирида икки ёшнинг муҳаббати, фарзанд қувончи, ҳаёт гашти мужассам. Жамият оиладан бошланади. Назаримда, мустақил Ўзбекистоннинг гўдакларини она сути билан боқиб, оилага, Ватанга меҳрли бўлсин дея, ўтган йил гўдакларни она сути билан боқиш йили деб аталган бўлса, худди шу гўдак тетапоя бўлиб ота-она бағрида соғлом, дуркун, шодон ўсишини назарда тутиб бу йил Оила йили деб аталганга ўхшайди.

Юнусобод туманидаги 70-мактабда халқаро Оила йилига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгаши раиси М. Юнусхўжаева, 25-болалар шифохонаси раҳбари Г. Қодирова, 5-аёллар консультацияси мудираси Ф. Султонова, 273-мактаб директори М. Исматова, «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи раиси Э. Қодировлар сўзга чиқишди.

Улар халқаро Оила йилида ўтказиладиган асосий тадбирлар ҳақида фикр алмашдилар. Ёшларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси, уларни миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш кераклиги, бунда маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари тўғрисида сўзладилар. Мазкур тадбирда оила шароитини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қизларни балоғатга етмасдан турмушга чиқаришнинг зарари, соғлом фарзанд туғилиши учун онанинг саломатлигини сақлаш каби муаммоларга алоҳида эътибор берилди.

Мая ОБИДОВА.

• *Бизнинг мулоқот*

ЯНГИ ҚАДАМ



АҚШнинг Флорида штатида бозор иқтисодиёти ва суғурта масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари касаба уюшмалари Федерациялари ҳамда Америка касаба уюшмалари вакиллари қатнашдилар. Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ранс муовини, анжуман қатнашчиси Қудратилла Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмаларининг халқаро алоқалари тўғрисида жамоатчи мухбиримиз Зажра Тўлагановага қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳар қандай халқаро анжуман, аввало, тинчлик ишига хизмат қилиши керак. Олис Америка қитъасида бўлиб ўтган мазкур учрашув ҳам халқларнинг бир-бирларини тушунишлари йўлида, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдек олижаноб мақсадга йўналтирилган ташкилот — касаба уюшмалари кучларини жипслаштириш ва уни тинчлик, халқлар бахт-саодати ва ижтимоий тараққиёт йўлига хизмат қилдиришда янги қадам бўлди.

Ўзбекистон сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, демократик жамият барпо этишга киришди. Республикамизда ўз истиқлол ва тараққиёт дастуримизни амалга оширишда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳаётимизнинг барча соҳаларида кутилган ижобий самараларни бермоқда. Бугунги кунда ёш суверен давлатимизни дунёнинг деярли барча бақувват мамлакатлари тан олди. Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Иқтисодиётимизда ҳам туб бурилишлар амалга оширилмоқда. Халқ хўжалиги Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таклиф қилган йўналиш асосида бозор муносабатларига дадил ўтмоқда. Давлатимиз энг авало, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан мададга муҳтож бўлган табақаларини муҳофаза қилишни ўз зиммасига олди. Бу иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз миқдорларини кафолатлашда, ҳаётий муҳим маҳсулотлар билан меъёрланган миқдорда таъминлашни ташкил этишда, товон тўловлари ва бошқа кўплаб тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топди.

Ўз тараққиётининг мураккаб даврларини кечираётган Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракати тажрибаларини амалий тарзда ўрганишни, куррамиздаги мамлакатлар меҳнаткашларининг энг оммавий ташкилотлари бой тажрибасидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолиятининг ўзига хос томонлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун умумий бўлган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш билан бирга, ислоҳотлар амалга оширилаётган республикамизда аҳоли ҳам ўтказилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этмоқдалар. Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатни тўлалигича қўллаб-қувватлаб, уни амалга оширишда елкадош бўлиб келмоқдалар.

Янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда касаба уюшмалари фаолиятининг муаммолари СССР тугатилиши билан вужудга келган ёш мустақил давлатларнинг барчасида кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир. Бу демократиялаштириш жараёнининг тезлашуви, бозор муносабатларининг ўрнатилиши билангина изоҳланмайди. Касаба уюшмалари эндиликда икки томонлама васийликсиз ишлашга ўрганишлари зарур. Бу бир томондан ҳукмрон сиёсий партия васийлиги бўлса, иккинчиси — Марказ эди. Янгича ишлаш мустақилликни ва у билан боғлиқ бўлган юксак масъулиятни, жаҳон касаба уюшмалининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларини фаоллаштиришга имкон яратади. Бу ўзига хослик, авало, Президентимиз Ислом Каримовнинг касаба уюшмаларини қўллаб-қувватлаши ва унинг беқиёс, самарали ёрдами ҳисобланади. Юртбошимизнинг касаба уюшмалари фаоллари билан мунтазам бўлаётган учрашувларида ички ва ташқи сиёсатга оид асосий қарашларимиз, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш ҳақида фикр алмашамиз.

Учрашувлар ҳамиша дўстона, самимий вазиятларда ўтади. Президент ислоҳотларни ўтказишда катта таянч ҳисобланган касаба уюшмалари билан маслаҳатлашишни лозим топганини очиқдан-очиқ айтади.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бартараф этиш юзасидан Президентимиз таклиф этган концепциянинг энг муҳим принципларидан бўлган кучли ижтимоий сиёсат ўрнатиш Марказий Осиё давлатлари шароитида, айниқса, муҳимдир. Бу социалистик эгалитаризмнинг қолдиғи бўлмай, илгариги тенгсизлик психологияси ҳам эмас. Бу мавжуд қийинчиликларни рўйи-рост англашдир. Республикамиз аҳолисининг ярмидан ортиғи 18 ёшгача бўлган ва оила аъзолари сони Европа мамлакатларидан деярли уч баробар ошиқ бўлган жумҳуриятимизда бу принцип яна ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришда пахта яккаҳокимлиги сабабли издан чиққан иқтисодиётимиз тизими ташқи бозор билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ва фақат давлатнинг ана шундай мақсадларини ҳисобга олиб, бу маҳсулотларнинг келтирилишини таъминлай олади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай меҳнаткаш аҳоли манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани туфайли минтақада барқарорлик, мамлакатимизда осойишталик, фуқароларнинг тотувлиги таъминланиб, миллатлараро можароларнинг олдини олиш имкони яратилаётгани Америка Қўшма Штатларидаги учрашув ва суҳбатларда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан бошлаб республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши яқин ва узоқ чет эл касаба уюшмалари марказлари билан мустақил тарзда алоқалар ўрната бошлади. Бугунги кунда Марказий Осиё республикалари, Россия, Беларусь, Украина касаба уюшмалари билан икки томонлама алоқалар ўрнатилган. Шу давр мобайнида биз Франция, Ҳиндистон, Хитой, Корея, Исроил, Эрон, Вьетнам ва бошқа давлатлардан 36 та касаба уюшмалари делегациясини қабул қилдик. Делегациямиз алоқалар ўрнатиш ва тажриба ўрганиш учун қатор мамлакатларга бориб келди.

Флоридадаги учрашувда касаба уюшмаларининг халқаро ҳамкорлиги МДҲ мамлакатлари иқтисодий тараққиётига жаҳон иқтисодиётининг таъсири, ижтимоий -иқтисодий вазиятнинг муҳим масалалари ва касаба уюшмаларининг бу борада тутган ўрни юзасидан ахборотларни алмашлаш, МДҲ мамлакатлари билан АҚШ давлати ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. «Бозор иқтисодиёти шароитида суғуртанинг аҳамияти», «АҚШда касаба уюшмаларига тааллуқли суғурта компанияларининг ташкил этилиши», «Суғурта имтиёзлари ишчиларни касаба уюшмаларига қандай боғлайди?» мавзуидаги маърузалар тингловчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда таниқли олимлар ва тажрибали мутахассислар иштирок этдилар. Томонлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, савол-жавоблар ташкил этилди. Халқаро анжуман билимларимизни бойитиб катта назарий ва амалий аҳамият касб этди.



Ўзбекистон тадбиркорлар жамиятида Туркиянинг «АСАС» фирмаси маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Бу ерда юзлаб номдаги маҳсулотлар қўйилган. Унда автомобиль, трактор ва бошқа техника двигателлари учун эҳтиёт қисмлар намойиш этиляпти.

СУРАТДА: кўргазма залларида.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

ОЛИМЛИК МАНСАБ ЭМАС

Кеч. Ҳаммаёқни қоронғулик қоплади. Олам сукунатга чўмди. Сирли осойишталик ҳукмрон. Бунинг ўзгача сеҳри, гўзаллиги ҳамда ажиб тароватини фақатгина тун бўйи мижжа қоқмай ором-бахш тонгни кутиб олганларгина ҳис этадилар. Жумҳуриятимиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг пойтахтдаги 1-клиник шифохонаси тезкор кардиология бўлими мудири, медицина фанлари доктори Йўлдош Зиёев йигирма уч йилдан бери неча бор тунларни бедор ўтказмади. Баъзан беморнинг ҳаёт-мамоти учун кураш кетади. Шунда институтни тугаллаётиб Гиппократнинг муқаддас қасамёдини ўз устозлари олдида бош эгиб такрорлагани ёдига тушади: «Шифокорлик шарафини улуғлаб, унга бир умр содиқ қоламан!» Унинг бу садоқати оддий врач реаниматологни элига, Ватанига танитди. Унинг ҳар бир беморга бўлган муҳаббати, куюнчаклиги ўқиб изланишга чорлади.

Юрак хасталикларининг маккор «тажовуз»лари, қон босими касаллигининг «найранг»ларига қарши кураш қораларини излаб топиш ва уни тезкорлик билан даф этишдек эзгу ишга бел боғлади. Ёш врач Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институтида хизматидан ажралмаган ҳолда илмий ишга қўл урди. Ўқувчилик йилларидаги физика, химия, математика фанларидан олган пухта билимлари ҳамда электрон ҳисоблаш техникалари билан бемалол тиллашга олиши жуда асқотиб қолди. Техника фанлари докторлари Фотима Одилова ва Ҳусан Қодировлар ёш олимнинг интилишларида унга маслакдош бўлишди, фикрларини қўллаб-қувватлашиб, рўёбга чиқишига мураббийлик қилдилар. Унга ўнлаб олимларнинг пухта тажрибаларини синчиклаб ўрганишни тавсия этишди. Элликдан ортиқ катта-кичик мақолалари турли илмий оммабоп ойномаларда чоп этилди.

1981 йилда «Қон босими касаллигига ташқи муҳитнинг таъсири» мавзусидаги илмий иши олимларнинг навбатдаги муҳокамасида юқори баҳо олди. Йўлдош Зиёевга тиббиёт фанлари номзоди унвони берилди. Қон босими касалликларининг тафсилотини аниқлашда ва уни даволашда периферик вазодилатор аппаратидан унумли фойдаланила бошланди.

Илм йўлига кирган кишилар фидойи бўладилар. Энди унинг бутун фикри-ёди фақат бир мақсадга — бошлаган ишни ниҳоясига етказишга қаратилди. Баъзан уйини ҳам, оиласини ҳам, эркатойларининг кулгисини ҳам унутиб ундан нажот кутаётганлар ёнида ҳамдард бўлиб тонг оттиришга тўғри келади.

Аксари у етакчи бўлимга аҳволи жуда оғир беморлар келтирилади. Уларга зудлик билан амалий тиббий ёрдам кўрсатилмаса... Айниқса, бугунги тун жуда оғир кечди. Клиник ўлим ҳолатида келтирилган Ҳури Усмонова реанимация хонасига киратётганда, Йўлдош кетма-кет олиб келинган уч нафар беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қилинган муолажаларини энди тугаллаган эди. У ҳушсиз ётган аёлни таниди. Бу ерга унинг тўртинчи бор келтирилиши. Инфаркт-миокард билан оғриган бу аёлнинг юзида ҳаётдан нишона йўқ хисоби. Бўлимнинг катта-кичик ходимлари якдиллик билан навбатдаги «жанг»га ташланишди. Хонага оғир сукунат чўмди. Касбдошлари Наталья Лихачёва ва ҳамширалар — ҳаммаси ўз ишларини имо-ишорасиз билиб бажаришади. Қўллар чаққон ҳаракатда. Нигоҳлар фақат беморга қадалган.

...Йўлдошнинг юзига қизиллик югургандай бўлди. Пешонасидан сизиб чиққан тер томчилари чироқ нурида майда гавҳарлардек ялтиради. Наталья Николаевна буни биринчи бўлиб илғади. Беморнинг юраги секин, жуда секин ура бошлади. Қилинган меҳнат бекор кетмади. Юракнинг ҳаракатини кучайтириш учун қўшимча муолажалар белгиланди. Йўлдош Зиёевнинг бўлимида ўз касбига фидокор тўрт нафар врач, ўн икки нафар тиббиёт ҳамширалари меҳнат қилишади. Улар кишилар соғлиғини ҳимоя қилиш вазифасини ўзлари учун буюк бурч ҳисоблашади.

Ёш олимни яқинда ҳамкасблари қизғин муборакбод этишди. Чунки унинг қон босимни даволаш мавзусидаги докторлик диссертацияси юксак баҳоланди. Олимлик мансаб эмас дейдиганлар сирасига кирадиган Йўлдош Зиёев кабилар ҳамиша яхши умидлар боғланади. Ва бу асослидир.

Собир ХОЛБЕКОВ,
Исмоил ТЎЛИСБОЕВ.

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Партиямиз кенгаши ўз сафига янгидан келиб қўшилаётган йигит-қизлар шижоатига умид боғлаш билан бирга ҳаётий тажрибага эга бўлган оқсоқоллар маслаҳатига ҳам таяниб иш кўрмоқда... Биз ана шундай зътиборли кишилардан бири —шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Т. Розиқов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Маънили, эҳтиросли нутқларига, чаққон ҳаракатларига, тинмай-тинчимаслигига қараб Тўйчи аканинг 75 ёшга тўлганлигига ишонгингиз келмайди. Бу кишининг ҳаёт йўли ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб, завқ оласиз.

— Юртимизга фидоий одамлар ниҳоятда керак. Лекин фидоийлик бу фақат жонини жабборга бериш эмас. Фидоийлик — кенг тушунча. У камтарлик, эътиқод каби фазилатлар билан уйғунлашган тақдирда қимматга эга. Ахир мансаб, лавозим илинжида ўзини минг битта тешикка урадиганларни фидоий дея олмаймиз-ку.

Йўқ, бу шунчаки чиройли сўзлар эмас. Ақлини танибдики, Тўйчи ака ана шу ақидаларга риоя қилиб яшади. Дарвоқе, фидоийлик деган нарса ишчи оиласидан чиқиб, комсомолда фаолият кўрсатганда, педагогика техникумида ўқиганида, сўнг эса Улуғ Ватан уруши жангоҳларида унинг қалбида, вужудида янада чуқур илдиз отди. Урушдан кейин она юрти—Каттақўрғонда ва вилоят марказида халқ хўжалигини юксалтириш йўлида меҳнат қилди, қатор масъул лавозимларда ишлади.

Муҳими, Т. Розиқов бугунги кунда партиямиз фаолларидан, жонкуярларидан бири. Отахон Самарқандда ХДПга биринчилардан бўлиб аъзо бўлдилар ва уни ташкил этиш жараёнида жонбозлик кўрсатдилар. Бугун эса шаҳар партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси.

Тўйчи аканинг ташаббуси билан шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши қошида ҳудудий партия ташкилоти тузилди. Айтгандай, Т. Розиқов илгари вилоят пахтачилик саноати бошқармасини бошқарган эди. Тармоқ ходимлари ўртасидаги обрў-эътибори билан ўша ерда ҳам бошланғич ташкилот юзага келди.

Фақат бугина эмас, Т. Розиқов ижроия бюро аъзоси сифатида барча тадбирларда фаол иштирок этадилар. Бошланғич ташкилот котиблари билан ўтказиладиган учрашувларда маслаҳатларини аямайдилар. Кенгаш котиблари билан эса маҳаллаларга, ўқув юртларига, меҳнат жамоаларига ташриф буюради. Ҳаётий тажрибасини гапириб беради.

Т. Розиқов ҳамиша ҳамюртларининг, атрофидагиларнинг ҳурмат-эътиборида, давранинг тўрида. У киши иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан тақдирланган. Энг муҳими, халқнинг ардоғида.

Ҳа, бизнинг Тўйчи ака ана шундай ажойиб эътиборли инсон. Шу сабабли на фақат партиядошлари, балки шаҳар жамоатчилиги у кишини табаррук 75 ёши билан қизғин муборакбод этмоқда. Фидоий отахон эса икки нафар олима қизи, ҳамда кўплаб набиралари оғушида бахтиёр умр кечирмоқда, мустақил юртимизнинг келажагига умид билан қарамоқда.

М. ШОКИРОВА,
А. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши масъул ходимлари.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ЮЛДУЗЛАР СИРИДАН ВОҚИФ»

Китоб шаҳар маданият уйида улуғ аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан «Юлдузлар сиридан воқиф» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари томонидан тайёрланган Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарлари асосида саҳналаштирилган театрлаштирилган лавҳалар тўпланганлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Кечада иштирок этган олимлар, ижодкорлар Мирзо Улуғбек яратган илм уммони, унинг дунё илмиётида тутган ўрни ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Ҳаваскор артистлар ижросидаги классик куй ва қўшиқлар кечага янада файз бағишлади. Томошабинлар томонидан самимий кутиб олинган мазкур кечани Юсуф Раззоқов ва Ҳасан Қурбоновлар саҳналаштирганлар.

ЯНГИ ТОМОША

Бугунги кунда республикамизда профессионал театрлар билан бир қаторда эллиқдан зиёд ҳаваскорлар халқ театрлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ана шундай театрлардан бири Ғиждувон туман маданият саройидаги халқ театридир. Яқинда театр ижодий жамоаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қаламига мансуб «Ким тўғри?» спектаклини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этди. Миллий куй ва қўшиқларимиз, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асосида саҳналаштирилган бу қувноқ саҳна асари томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Спектаклни ёш режиссёр Файзулла Авезов саҳнага олиб чиққан. Саҳна безакларини рассом Жамшид Ҳайдаров, ишлаган. Мусиқаларни эса Лайло Гаспарова танлаган, Спектаклдаги асосий образларни театр ҳаваскорларидан Ражаббой Авазов, Шокиржон Ҳамроев, Озодахон Акбарова, Саиджон Қаҳҳоров ва бошқалар маҳорат билан саҳнада гавдалантирганлар. Асар шу кунларда туман хўжаликларида намойиш этилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ЯНА БИР АЁЛЛАР УЮШМАСИ

Атроф-муҳит, экологик вазият бугун бутунжаҳон миқёсидаги муаммо бўлиб қолди. Мамлакатимизда таъсис этилган «ЭКОСАН» экология ва саломатлик жамғармаси фаолияти ҳам ушбу соҳа билан боғлиқ. Кечагина ана шу жамғарма қошида яна бир ассоциация тузилди. «ЭКОСАН» жамғармаси ва республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил топган янги тузилма «Экологик дастурларни қўллашда аёллар ассоциацияси» деб номланди. Янги уюшманинг мазкур муаммони бартараф этишдаги катта аҳамиятига шубҳа йўқ.

Таъсис йиғилишини «ЭКОСАН» экология ва саломатлик жамғармаси президенти Юсуф Шодиметов кириш сўзи билан очди. У мазкур ассоциациянинг мақсади ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. Йиғинда Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта жаноблари қардош ҳинд халқининг мамлакатимизга юборган дори-дармонларини топширди. Жамғармага берилган бу ёрдам қарийб ярим миллион долларлик қийматга эга. Шунингдек, таъсис йиғилишида Япония, Хитой, Россия, Латвия, Германия, Миср мамлакатларининг, БМТнинг республикамиздаги вакиллигидан меҳмонлар қатнашдилар.

Таъсис йиғинида уюшманинг раҳбарлари ҳам сайланди. Ассоциация президенти этиб, Республика Халқаро алоқалар миллий ассоциацияси раиси ўринбосари Шаҳло Маҳмудова муносиб топилди. Унинг муовинлари қилиб Республика Хотин қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Дилобар Қобулова, республикамиз Меҳнат вазирининг муовини, профессор Раъно Убайдуллаевалар сайланди.

Ҳ. ЭРМУҲАММАД.



Ўрта Чирчиқ тумани мудофаа ишлари бўйича бўлимида кейинги пайтларда кўнгилга ибратли ишлар қилинмоқда. Шу боис бу ерда февраль ойининг ўрталарида мамлакатимиз туманлари мудофаа ишлари бўйича бўлимлари раҳбарларининг семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Суратда: туман мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи подполковник Ҳожиакбар Ҳамроев, ходимлардан Ўткиржон Бўриев, Равил Ягудин ва Бахтиёр Омоновлар муҳим масалалар юзасидан маслаҳатлашмоқда.

И. ТЎЛИСБОЕВ олган сурат.

АЛПОМИШЛАР КЕРАК БУ ЭЛГА...

Самарқанд вилояти ҳокимлиги бошқа шаҳарларда ҳарбий хизматни ўтаётган самарқандлик йигитлар аҳволидан хабар олишни зарур деб топди. Бунинг учун жамоатчилик гуруҳи тузилди. Тошкент ва Фарғона водийсидаги ҳарбий қисмларга ташриф буюрилди. Навбатдаги сафар Навоийга бўлди. Жамоатчилик вакилларининг эҳтиросли сўзлари, Бибисора Туропова ва Жамила Эрдонованинг ўтли шеърлари аскарлар қалбини эритиб юборди.

...Алпомишлар керак бу элга...

Аскар болалар ўз юртларидан келтирилган масаллиқдан тайёрланган паловни маза қилиб ейишди. Уларга ота-оналаридан, жамоат ташкилотлари, корхоналардан турли совға-саломлар улашилди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОС

ЁКИ ВАҚТИДА ЎРГАНИЛМАГАН ШИКОЯТ ХАТЛАРИ ХУСУСИДА

